

STRATEGIES FOR THE DEVELOPMENT OF ORAL SPEECH IN GERMAN

Merganova Nigora Mamadodilovna
Fergana State University, teacher

НЕМИС ТИЛИДА ОҒЗАКИ НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Мерганова Нигора Мамадодиловна
Фарғона давлат университети, ўқитувчи

Abstract:

The main goal of modern foreign language lessons is to develop students' oral speaking skills and communication skills. Students majoring in a foreign language want to be able to speak a foreign language as fluently, fluently, and clearly as possible, and for the listener to fully understand them. Therefore, the main purpose of language learning is to communicate fluently in a foreign language.

Keyword:

Foreign language, oral speaking skills, communication skills, fluently

Ҳозирги замонавий чет тили дарсида талабаларнинг оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш, уларда мулоқот кўникмасини шакллантириш асосий мақсад сифатида қаралмоқда. Ҳорижий тилни мутахассислик сифатида ўрганувчи талабалар чет тилида иложи борича эркин, раво, аниқ гапиришни ва тингловчилар уларни тўлиқ тушинишини хоҳлайдилар. Шунинг учун ҳам тил ўрганишнинг асосий мақсади улар учун чет тилда эркин мулоқот ҳисобланади. Немис тилида эркин мулоқот қилишга эришиш учун талаба нафақат грамматик, лексик, фонетик билимларига эга бўлиши, балки тилнинг механизмларини билиши, ўз ўрганиш услубига эга бўлиши, кундалик ҳаётда ишлатиладиган сўз ва ибораларни ўрганиши, немис маданиятидан бохабар бўлиши талаб этилади. Бунда ўрганилаётган тилнинг мулоқот стратегиялари, новербал воситалардан фойдаланишдаги стратегиялар ва компенсация стратегиялари ёрдам беради.

Немис тилида оғзаки нутқни ривожлантиришнинг асосий икки стратегиялари фарқланади:

1. Мулоқот стратегиялари
2. Компенсация стратегиялари.

Қуйида биз шу икки стратегияларга батафсил таъриф берамиз.

Мулоқот стратегиялари деганда оғзаки нутқни амалга ошириш босқичлари, яъни мулоқотдан аввал, мулоқот вақтида ва мулоқотдан сўнг эътиборга олиниши керак бўлган стратегиялар назарда тутилади.

Мулоқот стратегияларини В.Яникова қуйидагича классификация қилади:

- I. Оғзаки нутқни амалга оширишдан аввалги стратегия.

Бу стратегиялар тил ўрганувчиларни гапиришга тайёрлайди. Бу босқичда фикрни оғзаки ифодалашни режалаштириш жараёни юз беради. Бу стратегияларга қуйидагилар қиради:

- нутқ бирликлари, фикрлаш жараёни, ассоциация, мавзуга оид ғоя ва фикрларни жамлаш.

Бу мавзуга киришиш бўйича олиб бориладиган жараён бўлиб, бунда мавзуга оид бўлган нутқ бирликлари ёки сўзлар талабалар томонидан ассоциация қилинади.

- суҳбат матнини режалаштириш, бир тизимга солиш.

Сухбат матнининг узвийлиги, кириш, асосий қисм ва хулоса каби таркибий қисмларни ўзида мужассам этиши лозимлиги инобатга олинади.

- керакли маълумотни излаш ва тўлдириш.

Бу тайёргарлик босқичи бўлиб, режалаштирилган сухбат матни ички нутқда айтиб кўрилади, текширилади ва қўшимчалар киритилади.

- сухбатга тайёрлиги ҳақида хабар бериш.

Бу ижро босқичига ўтиш бўлиб, талаба сухбатга тайёрлигини ўқитувчига билдиради.

II. Гапириш жараёнидаги стратегиялар:

Бу стратегияларни В. Яникова 3 гуруҳга бўлади:

а) ўқилган ва ёзилган матнни репродукция қилиш;

1. Матнни ўқиш жараёнида

- баланд гапириш
- такрорлаш
- таклид қилиш

б) бир матнни реконструкция қилиш

Хотира (вербал қайд этиш, визуал қайдлар, рамзлар, калит сўзлар, ассоциация, матндаги керакли сўзларни белгилаш).

с) матнни продукция қилиш

- қайдлардан сўзларни хотирада сақлаш учун фойдаланиш;
- керак бўлса она тилидан фойдаланиш;
- синонимларни қўллаш;
- ўзи сўз ўйлаб топиш;
- оҳангга эътибор бериш;
- жест ва мимикага эътибор бериш.

III. Гапириш жараёнидан кейинги стратегиялар

- хатоларни излаш;
- натижаларни ўқитувчи ва гуруҳ билан биргаликда муҳокама қилиш;
- лисоний иккиланишларни ойдинлаштириш (луғат ёрдамида) ;
- хатоларни статистик жиҳатдан ўрганиш;
- гапириш кўникмасини ривожлантиришда нималарга эътибор қаратилиши ҳақида фикр юритиш.

Компенсация стратегиялари ҳам оғзаки нутқни ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Қуйида компенсация стратегияларига таъриф берамиз:

Компенсация сўзи латин тилидан олинган бўлиб, **compensatio тенглаштириш, мувозанатлаштириш, нуқсонларни ўрнини тўлдириш** деган маънони англатади. Биз *компенсация* сўзини тилни ўрганишдаги маъноси бу чет тилини ўрганишдаги қийинчиликларни енгиш, гапириш жараёнида учрайдиган тўсиқларни йўқотиш, мулоқот пайтида учрайдиган камчиликлар ва нуқсонларни баратараф этиш деб олишни жоиз топдик.

Немис олимлари П.Биммел ва У.Рампиллон мулоқот стратегиялари каторида компенсация стратегиялари ҳам тилни ўрганишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, “компенсацион стратегиялардан нафақат тилни ўрганишда, балки тўғридан-тўғри чет тилида мулоқотга киришишда учрайдиган нуқсонлар ва хатоларни бартараф этиш учун фойдаланилади” деган фикрни олға сурадилар.

Компенсация стратегиялари тил ўрганувчиларнинг чет тилида мулоқот жараёнида бирон бир сўз ёки ибора эсига келмаганида ёки билмаганида она тилидан фойдаланишлари учун зарурдир. П.Биммел ва У.Рампиллон компенсация стратегияларини 2 га бўладилар:

1. Бор билимларидан фойдаланиш.

- гипотеза тузиш ва текшириш;
- контекстдан келиб чиқиб сўзлаш;
- ўрганилаётган тилнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда гапириш.

2. Гапириш жараёнида барча тил воситаларидан фойдаланиш.

- она тили ёки байналминал сўзларни қўллаш.

Мулоқот жараёнида эсига келмай қолган, билмаган сўзлари ўрнига она тилидан ёки байналминал сўзлардан фойдаланиш нутқни узилиб қолишдан сақлайди. Масалан, “Wir werden heute Exam ablegen“.

Ушбу мисолда талаба **Prüfung** яъни **имтиҳон** сўзини ўрнига инглиз тилидаги **Exam** сўзини қўлаганини кўриш мумкин.

- ўқитувчидан ёки бирон шеригидан ёрдам сўраш;
- мимика ва жестлардан фойдаланиш;

Жестлар ёрдамида мулоқот жараёнида учрайдиган қийинчиликлар бартараф этилади, чунки жестлар барча тиллар учун бир хил бўлиб, мулоқотнинг самарали кечишни таъминлайди.

- мавзунини ўзгартириш

Агар талабага “*Natur und Umwelt*” (*Табиат ва атроф муҳим*) мавзуси берилган бўлса, талаба ўз билим даражасидан келиб чиқиб масалан “*Umweltschutz*” (*Атроф муҳим муҳофазаси*) мавзусига ўзгартириши мумкин. Чунки *Атроф муҳим муҳофазаси* мавзуси ҳар йили такрорланадиган мавзулардан бўлиб, талаба намуна матнларидан фойдаланган ҳолда ҳам бу мавзу ҳақида сўзлаши мумкин.

- ўзи сўз ўйлаб топиш (пичоқ ўрнига *кесадиган асбоб- das Schneideding*),
- бўш сўзлардан фойдаланиш, яъни *анақа, бир предмет- Dings da, das, der Gegenstand* каби сўзлар ишлатилади.
- синонимлардан фойдаланиш (*чироқ ўрнига ёритгич- der Leuchter*).

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, чет тилида мулоқот жараёни мураккаб бўлиб, суҳбат вақтида узилишлар, тўхталишлар ва хатолар бўлиши табиий ҳол, фақат бундай камчиликларни бартараф этишда талаба тил ўрганиш стратегияларига амал қилиши, кўпроқ оғзаки нутққа йўналтирилган машқлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Janikova Vera. Didaktik des Unterrichts Deutsch als Fremdsprache: Eine Einführung. Brno: Masarykova Univerzita. Tschechien 2010.
2. Duden. Deutsches Universalwörterbuch. Dudenverlag Berlin 2015.
3. Bimmel Peter / Rampillon, Ute. Lernerautonomie und Lernstrategien. Fernstudieneinheit 23. München 2000, Goethe-Institut.